



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 19-oktabr • №42 (4181)

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

Бозордан қайтган деҳқоннинг қўни-қўнжи совға-саломга тўла бўлгани каби она юртимизнинг олтин кузи ҳам хирмонларни сарбаланд этибгина қолмай, дала-боғларни турфа ноз-неъматларга лиммо-лим этиб турган бугунги кунларнинг файз-баракаси ўзгача. Саховотли заминимиз бу йил ҳам бободехқонни миннатдорлик билан сийлади. Она ердан меҳнатини аямаган деҳқоннинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд бўлди.

Ўзбек деҳқони ерга уруғ қадаб, ниҳол ундирса, экинини обиҳаёт билан сийлаб парвариш қилса, ҳаммиша кўзлаган маррасига ифган, эл-юртини фаровон, дастурхонларни тўкин қилган. Бу йил мева-чеваю сархил сабзавот-полииз маҳсулотлари хар қачонгидан мўл. Ана шу неъматлар етилган далаларга, юксак хирмонларга, бозорларимиз растасига бир боқинг. Ўзбекнинг ўзидай кенгфёл ва саховотли куз яратган ажиб манзара аклини шоширади, кўнгилларни чоғ қилади. Бундай эгган, бундай юртга дунё ҳавас билан боқади.

Айни кунларда пойтахтимизда VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтаётгани ҳам бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида пахта бозорини излаб дунё кезган бўлсак, мана бугун дунёнинг ўзи бизни ахтариб, пойтахтимизга ташриф буюриб турибди. Бу бозорга Ўзбекистон мезбонлик қилаётгани, юртимиз пахтачилиги ва тўқимачилик саноатининг янги истиқболлари кўзгусига айланган нуфузли форумга соҳанинг йирик мутахассислари, трейдерлар, йирик савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари, таниқли иқтисодчи олимларнинг



ташриф буюргани мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини кенг миқёсда намойён этаётир.

2005 йилдан буён ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахтачили ва тўқимачилик ярмаркасига бу йил дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан пахта ва тўқимачилик саноатининг мингдан ортиқ вакиллари иштирок этаётир. Пахта бозори ва анжуман иштирокчилари ўзбек пахта толасининг сифатига юқори баҳо берибгина қолмай мамлакатимиз тўқимачилик саноатида ўз пахта толамиздан ишлаб чиқарилаётган энг рақобатбардош маҳсулотлар йил сайин кўпайиб бораётганини ҳам мамнунлик билан эътироф этмоқдалар. Тадбирда сўзга чиққан Халқаро пахта ассоциацияси президенти А.Эстив, Хитойдаги Тианжин пахта биржаси директори Би Жуан, "Ритер Аг" компанияси раиси П.Гнеги, "Бангладеш пахтаси" халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан ва бошқалар мамлакатимизда саноатбоп пахта етиштириш, хом ашёни сифатли қайта ишлаш,

маҳсулотни кафолатли етказиб бериш борасида яратилган мустаҳкам тизимни алоҳида таъкидладилар. Айни чоғда эндиликда ўзбек пахта толасидан тайёрланган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни ҳам бошқа воситачи ёки ўзга мамлакатлар саноатчиларидан эмас, бевосита Ўзбекистоннинг ўзидан харид қилишга эҳтиёж охиб бораётгани ҳам эътироф этилмоқда. Шу маънода халқаро ярмарканинг биринчи куни "Ўзбекенгилсаноат" компанияси қошидаги "Шарқ бозорлари" дизайнлик маркази томонидан яратилган либослар, миллий қорхоналаримиз ишлаб чиқараётган ип, полотно, газламанлар, тайёр трикотаж, шунингдек ипак буюмлари ва бошқа маҳсулотлар намойиши ҳам тадбир иштирокчилари ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ярмаркада мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар ҳам тақдим этилмоқда.

Ўз ишини давом эттираётган халқаро пахта бозори доирасида амалга оширилаётган амалий мулоқот ва келишувлар, тузилаётган шартномалар мустақил мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб бораётганидан яна бир далолатдир.



Бирхон Ризовуллов олдган сурат.

Шеърал пахта

Тандирларга онам ёнган иссиқ нон — Она тилим.
Тупроқларга ташламайман ҳеч замон — Она тилим.

ОНА ТИЛИМ

Парча тошга мангу умр бахш этган
Она тилим.
Қояларга боқий битик нақш этган
Она тилим.

Кўзларимга дунёни чин кўрсатган
Она тилим.
Отам, онам, кимлигимни ўргатган
Она тилим.

Мудраб қолса, бутун халқни уйғотган
Она тилим.
Китобларда ёнган, гоҳо муз қотган
Она тилим.

Бир миллатни бир Ватанга жамлаган
Она тилим.
Фарзанд учун чўнг тарихлар ғамлаган
Она тилим.

Ҳар ўзбекка ору номус бўлдинг сен,
Она тилим.
Ўзгаларга қиёмат дўст бўлдинг сен,
Она тилим.

Бир болангман, устим ёлдинг совқотсам,
Она тилим.
Мен қалқонман биров сенга ўқ отса,
Она тилим.

Даҳоларга алла айтган олтин бешик —
Она тилим.
Булбуллардан ёш оқизган олтин қўшиқ —
Она тилим.

Қулоғимга тилла ниқдек қуйилгансан,
Она тилим.
Юрагимга исимм бўлиб ўйилгансан,
Она тилим.

Салим АШУР

21 октябр — "Давлат тили ҳақида"га қонун қабул қилган кун

Истиқлол она тилимизнинг қаддини тиклади, қадрини жойига қўйди. Шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг тиллари ривож учун ҳам қонуний шарт-шароитлар яратиб берди. Дарҳақиқат, миллатнинг қалбини англаш учун унинг тилини билиш керак.

Юртбошимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойён бўлади. Жамки эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она тилида, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Она тилимиз ўз қўламида жуда буюк тарихларни мужассам қилган. Бор-йўғи учта-тўртта сўздан иборат битта кичкинагина мақол халқнинг бутун бир авлоди кечмишидан хабар беради. Яъни, шу ичмагина битта жумлага катта бир авлоднинг муайян йўналишдаги юз йиллик тажрибаси тўпланган бўлса ажаб эмас.

Этибор қилсангиз, тилимиз мақолларга жуда бой. Минг-минглаб мақолларимиз бор. Биргина "Ўзбек халқ мақоллари" китобининг ўзида ўн мингга яқин мақол

МИЛЛАТНИНГ БОҚИЙ РУҲИ

жамланган. Холбуки, бу китобга қирмай қолган яна қанчадан қанча мақоллар тилимиз бағрида яшаб юрибди. Мақоли кўп тил қудратли бўлади. Шунинг учун болаларга мақолларни кўп ёдлатиш керак. Шунда улар, ҳам ҳикмати илғайди, ҳам ўз тилининг ранглари сезади, тафаккур доираси кенгайди. Чунки, бу

ажойиб дурлар фикр чиганоғи ичида асрлар мобайнида пайдо бўлган. Мақол айтишга осон, англашга келганда эса у қалб ва фикр меҳнатини талаб қилади ва бусиз ўз сирларини очмайди. Қайси миллатнинг мақоли кўп бўлса, унинг маънавияти шунча теран бўлади. Дуч келган одамдан хикमत чиқмагани каби мақол ҳам ҳар жойдан кўзиқориндай потирлаб чиқавермайди. Бу мўъжазгина ажойиботларнинг пайдо бўлиши учун тафаккур ва туйғу тўйинган тупроқ керак. Халқнинг катта достонларига ҳам мақол оналик қилган. Зеро, дарё бирдан пайдо бўлмайди, у жилғалардан, керак бўлса томчилардан йиғилади. "Алломиш"дай достонини яратолган тил шубҳасиз жуда бой тилдир. "Алломиш"дай монументал достони бор халқлар жаҳон айвонида унчалик ҳам кўп эмас.

Давоми иккинчи саҳифада.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК КЎЗГУСИ

Темурийлар тарихи давлат музейи... Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ номи билан атадувчи хиёбон ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган маажур музей ҳар бир ватандошимиз дилида ҳайрат ва ҳаяжон, гурур ва ифтихор ҳисларини уйғотади. Айниқса, куз фаслида бу маскан ўзгача чирой очади. Атрофни гулчамбар мисол куршаган дарахларнинг зарҳал либоси бинога янада салобат бағишлайди.



халқаро анжуманлар саройи меъморий ансамблга салобат бахш этган. Эътибор берилса, ушбу меъморий обидалар қиёфасида уйғунлик бор. Хар иккиси ҳам салобатли устунлар, нақшинкор деворлар билан безатилган. Уларга назар ташлаган киши мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорликнинг бетакрор қиёфасини тасаввур этади.

Музейнинг ташқи кўриниши каби унинг ички сурати ҳам кишида унутилмас таассурот қолдиради. Қаршингизда тарих саҳифалари жонланиб, қадимий экспонатлар тилга киради. Биринчи навбатда музей марказидан ўрин олган улкан деворий сурат эътиборингизни тортади. "Санойи нафис" усто бирлашмаси рассомлари томонидан миниатюра услубида ишланган санъат асарлари марказида Амир Темури сиймоси гавдалантирилган бўлиб, Соҳибқирон атрофга зийрак нигоҳ билан назар ташламоқда.

Давоми бешинчи саҳифада.

Дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, бой тарих ва юксак маданиятга эга шаҳарлар кўп. Аммо, жуда кўп юртларни кезганлар ҳам Самарқандни бошқача соғинишади, бошқача махташади. "Ер юзининг сайқали", "Шарқ гултожи", деган таъриф тавсифлар билан аталадиган бу замин азалдан илм-фан, маданият, маърифат ўчоғи бўлиб келган.

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ

Қадим Самарқанднинг шонли ўтмиши кўз олдимга келтириб, унинг бугунги кунига таққослайман. Бейхитёр давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Самарқанд ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир!».

Мен Париж, Лондон, Вашингтон, Токио каби шаҳарларни кўрмаганман. Лекин ўша ўлкалардан Самарқандга келиб, оғзидан бол томган сайёҳларни, маҳобатли минораларимиз олдида соатлаб уйга толган олим тарихчиларни хар куни кўраман. Уларнинг ҳайрату ҳаяжонларига гувоҳ бўламан.

Мамбаларда ёзилишича, македониялик Искандар Мақдуний ҳам Самарқандни таъриф этган экан: «Унинг гўзаллиги борасида эшитганимнинг ҳаммаси ҳақиқатдир, истисноси шунки, бу шаҳар мен тасаввур қилганимдан ҳам чиройлироқ экан».

Самарқандда камол топган олим уфузаларнинг жаҳоншумул салоҳияти тафаккур зиёси неча асрларки Шарку Фарбни ҳайратга солиб келаетир. Бу замин Имом Бухорий, Имом

Мотуридий, Мир Саййид Барақа, Хожа Ахрори Вали, Маҳдуми Аъзам каби улуг алломалар ва азиз-авлиёлар мангу ором топган юртдир.

Самарқанд деганда, миллий давлатчилигимиз тамал тошини қўйган, юртимизни турли офат-балолардан асраб келган Алл Эр Тўнға, Спитамен, Амир Темури, Мирзо Улугбек, Бобур Мирзо сингари мард ва жасур ажман.

додримиз сиймоси кўз ўнгимизга келади. Улар нафақат диний, балки дунёвий илмларга доир кашфиётлари билан ҳам доврқ қозонганлар.

Самарқанднинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти эса кўнгилга фахр ва ифтихор бағишлайди. Утган йигирма бир йил мобайнида бунёдкорлик ишларининг салмоғи, қўлга киритилаётган илмий, иқтисодий, маданий-маърифий ютуқлари билан Самарқанд Ўзбекистоннинг дурдонасига айланди, десак муболага бўлмайди.

Давоми олтинчи саҳифада.

ЯНГИ МАВСУМ ҲИЛЛАРИ

Ҳаёт борган сари жадаллашиб, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқароши ўзгариб бормоқда. Янги давр барча соҳаларда бўлгани каби театр ижодкорлари олдида ҳам жамиятдаги туб ислохотларни акс эттирувчи, замондошларимизнинг ёрқин қиёфалари акс этган саҳна асарларини яратиш вазифасини қўймоқда.

Албатта, театр ходимлари бу борада сидқидилдан ижод қилмоқдалар. Театрларимиз репертуарида халқимизга, ёшларга ўрнатқ бўларли юқори савиядаги спектакллар сови ортиб бормоқда. Лекин давр санъаткорлардан замондошларимизнинг мукамал образлари яратилган бадий баркамол, гоъвий бақувват, салмоқли саҳна асарлари яратишни талаб қилмоқда. Очғини айтганда, республикамиз театрларида бундай асарларга эҳтиёж катта.

Бу борада, айниқса, етакчи театрларимиз намуна бўлишлари лозим. Таниқли театршунос олим Тоир Исмоловнинг ушбу мақоласи ҳам шу маънода янги ижодий жараёнларга, баҳс-мунозараларга туртки бўлади, деган умиддамиз. Ишончимиз комилки, кўпчилик театрларимизга хос ушбу муаммо ёш актёрлардан тортиб, устоз санъаткорларга, атоқли театршунослару мухлисларга — барча-барчани эътиборсиз қолдирмайди.

Чин мемуар асар ҳамisha эсселашган тафаккур маҳсули ҳисобланади. Бундай асарда муаллиф шахси ҳал қилувчи мақомада бўлади ва унда акс этган воқеа-ҳодисалару тилга олинган одамлар фақат унинг нуқтаи назари билангина кўрилади, тасвирланади ва баҳоланади. Агар эсдалик жамият аъзоларининг эътибору эътирофини қозонган таниқан ва холис киши томонидан ёзилган бўлса, у ёлғиз маърифий қимматга эга бўлиб қомай, салмоқли ижтимоий ва бадий аҳамият ҳам касб этади. Марҳум адибимиз Одил Ёқубовнинг тугалланмай қолган романидан боблар ҳамда «Турғунлик йилларида» ва «Қарноқ» деб номланган эсдаликларини ўз ичига олган «Осий банд» китоби («Ўзбекистон» нашриёти, 2012) ана шундай асарлар сирасидан.

Китобдан ўрин олган эсдаликлар сирдан қараганда атрофдаги одамлару воқеа-ҳодисаларга хотирпаршонлик билан назар соладиган кишида таассурот қолдирадиган Одил Ёқубовнинг фитратан ўта таъсирчан ва синчков, теваракдаги барча нарсани эмас, балки энг керакли нарсаларнинг энг муҳим жиҳатларини беҳато пайқайдиган шахс бўлганини кўрсатади. Бу эсдаликлар ёзувчи кўп йиллар олдин бошидан кечирган воқеа-ҳодисалару энг мулоқотда бўлган одамлардаги етакчи қирралар тасвирлангани билан ажралиб туради. Эсдаликларнинг кўпчилигида биргина чизги тасвири нурланган, тимсолни ўқирман кўз ўнгига келтириб қўяди.

Одил Ёқубовнинг эсдаликлари ўқирманга ахборот берибгина қолмай, тасвир воситасида муносабат ҳам уйғотади. Бу ҳол хотирларни ўқишли қилиб, уларнинг таъсирчанлигини оширади. Китобдаги «Ушанда... Ҳалима опанинг фақат улуг санъаткори эмас, буюк инсон ва истъодли нотик эканининг ҳам гувоҳи бўлдим» ифодаси орқали Ҳалима Носирова шахсиятининг янги бир қирраси очилибгина қолгани, китобхонда бу шахсга нисбатан эътиробли муносабат ҳам уйғотишга эришилган.

Эсдаликларда муаллиф тасвирига кўп ўрин бермай, бир-икки чизги ёрдамда шахс табиатининг энг муҳим жиҳатини кўрсатади. Хотирларда ёзувчининг ҳаёт ва одамлардаги гоят бетакрор, нозик, илқис жиҳатларни кўра ва кўрсата билиши намойиш бўлади. Айни вақтда инсоннинг бирор хатти-ҳаракатида унинг шахсиятига хос жиҳатлар тўлиқ намойиш бўлмаслигини, кўпчилик одамнинг хатти-ҳаракатидаги кайфиятга боғлиқлигини, кайфият эса ўта ўзгарувчан ва беқарор бўлишини гоят теран аниқлайди. Шукр Ходмирозиёв тўғрисидаги «...Улар аллақандай тиниқ нур билан йўрилган, ўқик дилимизда ажиб... бир туйғу, кўз офтобидай илқ ҳислар уйғотувчи эртақлар эди» тасвири ҳам одамнинг чўнг иродасини кўрсатиши, ҳам адиб табиатидagi эзгуликлар қайси булоқдан сув ичганини аниқлаши, ҳам ўқирман сезимларига таъсири жиҳатидан катта бадий аҳамиятга эга.

Кунботиш эллари адабиётда ўз яқинларининг нуқсон ва камчиликларини очиб ёзиш аъёнаси бор. М. Горкий, Ф. Кафка, Ж. Жойс ижодида бу ҳол, айниқса, аққол кўзга ташланади. Лекин ўзбек ёзувчилари орасида яқинларининг камчиликларини очиб тасвирлаш одати бўлмаган. О. Ёқубов бу борада ҳам новаторлик қилди: эсдаликларида отаси, бобоси, амакларини қандай кўрган бўлса, ушундай кўрсатди. Чунончи, бобоси ҳақидаги: «...бобомлар ўрта буйли, микти, қопқора, чап кўзи қисик, ўнг кўзи жуда катта одам эдилар. Эғнида ёқасига тугма ўрнига ип боғланган узун оқ ятак, кенг оқ лозим, оёғига чорик кийиб, кундуз кунлари бу кенг дунёга сизмасдан, кўринганга ўшириб, асосини мушук кўринса мушук, ит кўринса ит, товук кўринса товукқа отиб, оғизларидан «баччагар» сўзи ташмасдан, бетўхтов сўқиниб юрадилар» тарзидаги тасвир ёзувчининг яқинлар шахсиятига ҳам аямий ёндашганини кўрсатади.

Тасвир ҳақиқатини ҳамма нарсадан устун қўйган адиб отасининг бобоси билан муносабатлари тасвирини беришда ҳам шафқатсиз холислик йўлидан боради. Ёзувчи отасининг ёшлиқдан бебошроқ ўсгани, уланганидан сўнг ҳам рўзгорга бўйин бермай, бобосидан калтак еб юрши, йўқчилик боис мардикорликка боришга мажбур бўлгани, у ёқларда марксизмга қизиқиб қолиши ва унга чексиз садоқати,

кувишига ишонч уйғотарди. Китобдан ўрин олган «Қарноқ» асарида адибнинг болалиги кечган йиллар, фожиали кунларда унга дуч келган шахслар ёдга олинган. Бу эсдаликлар меҳваридида она тимсоли туради.

«Қарноқ» эсдалигида муаллиф ўз ёшлигининг мунгли бир лавҳаси тўғрисидаги ҳақиқатни тасвирлаган: «...умрида қора меҳнат қилмаган зиёли отанинг нимжон зурриёти, бўйим чўзилган бўлса-да, таним қоқ суяк, билакларимда куч йўқлигини ўзим ҳам билардим, бундан каттиқ озор чекиб юрардим». Бу иккоруларда кўнгли тоза, таъсирчан, бироз бўшаган ва ҳаёлпараст ўсмирнинг изтироблари бор кўлими билан акс этган. Эсдаликлар синчиклаб ўқилса, Одил Ёқубовнинг ўзини аямий текширадиган, ҳар бир хатти-ҳаракатидан айни чоғда ёхуд кейинроқ топиладиган нуқсонларни мутлақо бекитмай ёзадиган, ўз хизмат ва эзгуликларига ортиқча баҳо бермайдиган шахс экани кўрилади. Муаллиф ҳатто ўзининг кўнгилли бўлиб урушга кетишида ҳам нуқсон кўради.

«Ростўй» тарзида номланган эсдалик бадий асардай ўқилади. Унда ёлгон таълимотга эътиқод қўйиб, адашган зотнинг фожиаси маҳорат билан тасвирланган. Биткида тароватсиз ўтган умрининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида тинмай ўйланиб, уни баҳолашга қўйналаётган одамнинг ҳолати унинг руҳиятидаги энг майда жиҳатларга кўрсатиб берилган. Ушбу хотира ёлгон эътиқодни одамийликдан банд қўйган ҳар қандай кимсаннинг қисмати оғир экани ҳақидаги мунгли бир қўшиқдай ўқиб-тинланади. Шу маънода у хотирадан кўра одам ва унинг тирикчилиги ҳақидаги сўнгсиз ўйларга ўхшаб кетади.

Одил Ёқубов эсдаликларидан бирор одамнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаб, унинг устидан ҳукму хулоса чиқармайди. Одамлар ҳар томондан, турли ракурсларда кўрсатилади, ҳолос. Бу тасвирлар одам деб аталмиш яраткичлар нақадар мураккаб, унинг қисмати нечоғли чигал эканини аққолроқ сездиради. Адабиётимизда образлар табиати ва тақдирининг чигаллиги тасвирланмасди: фазилатли тимсол асарнинг бошидан охирига қадар яшил, иллатлиси бошдан-оёқ ёмон бўларди. О. Ёқубов асарларида яхши одамда ёмонлик учкунлари, ёвуз кимсада эзгулик унсурлари борлигини тасвирлади. Адибнинг асарлари ўзбек адабиётини даврда бўлган ўзгаришлар ҳақидаги тасвирлар билан адибнинг ҳақиқатини кўрсатади. Унинг биткиликда одам адоқсиз ўзгаришлар, кейини аямий қилишини олдиндан айтиб бўлмайдиган номаълумликлар оғушида тасвирланади.

Адиб ижодида шафқатсиз реализм етакчилиги ҳақида кўп гапирилади. Синчиклаб қаралса, адибнинг реализми эмас, балки тасвир реалиги шафқатсиз экани кўзга ташланади. Тасвир реалигининг шафқатсизлиги ҳаётий реаликдан ҳам кучли ва кўламли экани боис ўқирман кўнглида кучли оғриқ кўзгаётиши ва шу оғриқ

ота билан болани бир-бирига ёвлантирган омилар тасвирланган бирор ўринда зўрақилик, силликланган йўл қўймаган.

«Қарноқ» эсдалигида муаллиф ўз ёшлигининг мунгли бир лавҳаси тўғрисидаги ҳақиқатни тасвирлаган: «...умрида қора меҳнат қилмаган зиёли отанинг нимжон зурриёти, бўйим чўзилган бўлса-да, таним қоқ суяк, билакларимда куч йўқлигини ўзим ҳам билардим, бундан каттиқ озор чекиб юрардим». Бу иккоруларда кўнгли тоза, таъсирчан, бироз бўшаган ва ҳаёлпараст ўсмирнинг изтироблари бор кўлими билан акс этган. Эсдаликлар синчиклаб ўқилса, Одил Ёқубовнинг ўзини аямий текширадиган, ҳар бир хатти-ҳаракатидан айни чоғда ёхуд кейинроқ топиладиган нуқсонларни мутлақо бекитмай ёзадиган, ўз хизмат ва эзгуликларига ортиқча баҳо бермайдиган шахс экани кўрилади. Муаллиф ҳатто ўзининг кўнгилли бўлиб урушга кетишида ҳам нуқсон кўради.

«Ростўй» тарзида номланган эсдалик бадий асардай ўқилади. Унда ёлгон таълимотга эътиқод қўйиб, адашган зотнинг фожиаси маҳорат билан тасвирланган. Биткида тароватсиз ўтган умрининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида тинмай ўйланиб, уни баҳолашга қўйналаётган одамнинг ҳолати унинг руҳиятидаги энг майда жиҳатларга кўрсатиб берилган. Ушбу хотира ёлгон эътиқодни одамийликдан банд қўйган ҳар қандай кимсаннинг қисмати оғир экани ҳақидаги мунгли бир қўшиқдай ўқиб-тинланади. Шу маънода у хотирадан кўра одам ва унинг тирикчилиги ҳақидаги сўнгсиз ўйларга ўхшаб кетади.

Одил Ёқубов эсдаликларидан бирор одамнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаб, унинг устидан ҳукму хулоса чиқармайди. Одамлар ҳар томондан, турли ракурсларда кўрсатилади, ҳолос. Бу тасвирлар одам деб аталмиш яраткичлар нақадар мураккаб, унинг қисмати нечоғли чигал эканини аққолроқ сездиради. Адабиётимизда образлар табиати ва тақдирининг чигаллиги тасвирланмасди: фазилатли тимсол асарнинг бошидан охирига қадар яшил, иллатлиси бошдан-оёқ ёмон бўларди. О. Ёқубов асарларида яхши одамда ёмонлик учкунлари, ёвуз кимсада эзгулик унсурлари борлигини тасвирлади. Адибнинг асарлари ўзбек адабиётини даврда бўлган ўзгаришлар ҳақидаги тасвирлар билан адибнинг ҳақиқатини кўрсатади. Унинг биткиликда одам адоқсиз ўзгаришлар, кейини аямий қилишини олдиндан айтиб бўлмайдиган номаълумликлар оғушида тасвирланади.

Адиб ижодида шафқатсиз реализм етакчилиги ҳақида кўп гапирилади. Синчиклаб қаралса, адибнинг реализми эмас, балки тасвир реалиги шафқатсиз экани кўзга ташланади. Тасвир реалигининг шафқатсизлиги ҳаётий реаликдан ҳам кучли ва кўламли экани боис ўқирман кўнглида кучли оғриқ кўзгаётиши ва шу оғриқ

уни катаросига олиб келиб руҳини тозалайди.

Чин истъод тасвирда муҳимни номуҳимдан ажрата олишда намоён бўлади. Одил Ёқубов эсдаликларининг бирор ўрнида аниқ рақам келтирмайди ҳисоби. Аммо узоқ йиллар олдин бўлиб ўтган воқеа ёки учрашган шахслар табиатидagi муҳим чизгилар энг нозик белгиларига қадар эсланади. Бунга сабаб рақамлар онда қолган, чизгилар эса кўнглида қолган излар натижаси бўлганidir.

Китобдаги «Осий банд» романи ҳам ёзувчининг фикрлаш тарзи ва тасвирлаш йўсинидаги ўзига хосликнинг ёркин намунаси. Тугалланмай қолган бўлса-да, шаҳк билан ўқиладиган бу асарда одам ва унинг тақдирини бадий тасвирлаш бобида адиб таянадиган тамойиллар аққол кўзга ташланади. Романдаги бош тимсол бўлмиш осий банд – Сарқор ўзига ҳам инсоний жозоба ва эзгу сифатларга эга шахс. Айни вақтда қилган ёмонликлар ҳам бир кишига етиб-ортадиган даражада.

Асарни синчиклаб ўқиган киши Одил Ёқубовнинг ёмонлик биророти

XXI аср ўзбек адабиёти

одамнинг асл моҳияти эмас, балки ўткинчи бир руҳий ҳолат ёки воз кечи бўлмас маънафати тақозоси эканини вужуд-вужудга сингдирган шахс, одамлараро муносабатларда шу жиҳатни энг нозик кўринишларига қадар ингичка тасвирлай биладиган ёзувчи эканини ҳис қилади. Ўзбек адабиётда Одил Ёқубов каби ёмон амаллар қиладиган персонажлар руҳиятини тушунишга уринадиган, уларнинг ҳар бир қилмиши замирида ўзига боғлиқ бўлмаган қандайдир бир асос ёхуд пушаймонлик борлигига урғу берадиган ижодкор йўқ, дейиш мумкин. Бундай ёндашув адибнинг яшаш тарзи, одамларга муносабатида таянадиган маънавий асоси эди. У шундай яшайди ва ёзди. Бу ёндашув болалигидан тортиб, умрининг охирига қадар ўзига ёмонликлар қилиб келганлар тасвирланган ўринларда ҳам сезилиб туради. Асарларида ёзувчи ёмонликларни ёмон кўриб эмас, балки уларга ачинаиб яшагани ва ёзгани сезилиб туради.

«Осий банд» романидаги Сарқор ишчан одам, тадбиркор раҳбар, садоқатли дўст, ҳалол улфат, аммо ўрни келса энг яқин одамини ҳам босиб-янчиб ўта оладиган осий банд сифатида тасвирланган. Бандликда бандлик бор, сарқорни осийликнинг бандиси дейиш мумкин. Чунки у ёмонлик қилиб ёхуд қонунни оёқ ости этиб завқланадиган зўравон эмас, балки ўзи тушиб қолган, ҳатто ўзи яратган муҳитнинг чорасиз асир. Ёмонлик — унинг аъмоли эмас, баъзан фойдаланадиган қуроли. Одам қисматидаги мана шундай чигал жиҳатлар тасвири тимсолга ўзгача бир инсоний жозоба бахш этади. Асардаги Иван, Ота образлари ҳам шу каби қарама-қаршиликлар оғушида кўрсатилади. Романда ўтган асрнинг 80-йилларида яшаган одамларга хос турлича хусусиятлар акс этган. Асар кечаги кунни тушунишга, ўтган кунни, ўшанда умр кечирган одамларни ҳис этишга хизмат қилиши билан қимматлидир.

Одил Ёқубовнинг «Осий банд» китоби муаллиф вафотидан кейин чиққан илк асар. Чун ёзувчининг ижодий умри у дунёдан ўтгандан сўнг ҳам давом этаверади. Биз китобхонлар орамиздан кетган адибимиз билан илк кўналғада қайта учрашдик. Бундай учрашувлар кўп бўлғай деб умид қиламиз.

Қозоқбой Йўлдош

ФИТРАТ — АДАБИЁТШУНОС

Абдурауф Фитратнинг бадий адабиётга оид қарашлари хусусида фикр юритганда, аввало, унинг буюк адабиётшунос эканлигини назардан қочирмаслик керак. Унинг бу борадаги қарашларига деярли барча асарларида гувоҳ бўламан. Хусусан, «Энг эски турк адабиёти намуналари» ва «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуалари, гарчи илмий асарлар бўлмаса-да, олим жуда кўп ўрнида ўзининг илмий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган. Фитрат адабиёт намуналарини тўғридан-тўғри келтириб қолмай, улар тарихига назар ташлаган, керакли ўринларда намуналарнинг манбалари, уларнинг жанри, бадийати хусусида ўз қарашларини баён этиб ўтган.

«Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасидаги манбаларни беришда маълум тартиб ва мезонга амал қилган адиб, уларни даврий система асосида бирлаштирган. У мажмуани уч қисмга бўлади ва мана шу уч қисм орқали ўзбек адабиётшунослигининг ўзига хос даврлаштирилишини ишлаб чиқади.

«Ўзбек адабиёти намуналари»да, асосан, учта катта давр қамраб олинган. Бироқ китобга ёзилган сўзбошидан ва кейинги тадқиқотлардан аниқлаш мумкин, Фитрат адабиёт тарихини беш даврга ажратган. Булар: қабилавий адабиёт; феодал даври адабиёти; савдо сармоси даври адабиёти; XVI асрдан кейинги адабиёт; жадидчилик даври ва инқилобдан кейинги давр адабиёти.

«Ўзбек адабиёти намуналари» сўзбошида олим мажмуа 2 қисмдан иборат бўлишини таъкидлайди. Бироқ мажмуанинг 1-қисмига тузилган. Фитрат юқорида келтирилган 5 даврнинг учтасини 1-қисмга жамлаган бўлса, кейинги қисмда қолган икки даврга оид намуналарни бериб ўтишни режалаштирган. Унинг таъкидлашича, бундай даврлаштириш катъий эмас. Чунки «қабилавий», «феодаллик», «савдо сармоси» каби ижтимоий жараёнлар туркий адабиёт ривожланган ҳудудларнинг барчасида ҳам бир текисда ҳукм сурмаган. Шу сабабли асарларни тақсимлашда у хронологик тартибга риоя қилмасдан, асосан, уларнинг мундариҳасига, асосан қайси даврни акс эттиришига эътибор қаратган.

Масалан, «Девони лугатит турк»дан «ов» ва «қабилалараро урушлар» акс эттирган парчалар «Қабилавий адабиёт намуналари» таркибига киритилган бўлса, «Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Самарқанд-Тошкент, Ўзашар, 1928, 17—18-бетлар». Бундай фикрни «Китоби Дадақўрқуд», «Алломиш» асарлари хусусида ҳам айтиш мумкин. Фитратшунос Х.Болтабоев ўз ишида даврлаштириш хусусида Фуод Кўпрулуниг даврлаштириш принципини келтиради: исломийта қадар турк адабиёти; ислом маданияти таъсиридаги турк адабиёти; Оврўпо маданияти остида бўлган турк адабиёти.

Фитратнинг бу тарздаги даврлаштириши ёқламаганига сабаб «мум-турк адабиётининг ички тараққиёт кунунларидан кўра ташқи таъсирларга ўрин берилган»дадир (Х.Болтабоев). У.Жўрақулов эса бу фақат масаланинг бир томони эканлигини эътироф этади. Яъни Фитратнинг турк олимидан бошқачароқ даврлаштиришига сабаб шунга эмас

(У.Жўрақулов, Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Т., 2003, 48-бет).

Ушбу масала нисбатан кейинги даврларда ҳам тадқиқотчилар олдида муайян қийинчиликларни туғдирган. Чунончи, профессор А.Ҳайитметов ўзбек адабиёти гарчи 2 минг йиллик тарихга эга бўлса-да, уни даврлаштириш борасида ҳалигача илмда катъийлик йўқлигини таъкидлаган.

Мажмуадаги даврлаштириш бу масаланинг илк кўриниши бўлиб, даврлаштириш борасида маълум талаб ва қоидалар бўлмаганлиги, даврнинг ижтимоий шароити таъсири боис Фитрат бу йўлда ижтимоий принципларни асос қилиб олган. Олим даврлаштириш борасида ижтимоий таъкидлаган.

маълум давр адабиёти намунасини ўша давр маҳсули сифатида эмас, мазмун-моҳияти, тасвир воситаси шу давр ҳолатига тўғри келиши туйғайли белгиланади. Демак, ушбу масалада асарлардан парчалар бериши билан ҳақиқий синчи олим сифатида иш тутган.

Ўзбек адабиётшунослигида услуб масаласи асосий масала сифатида эътироф этилиб, Абдурауф Фитрат ҳам ўз асарларида услубнинг ўзига хос хусусиятларини таъкид қилади. Олимнинг илмий мақола ва асарларида услуб масаласи асосий мавзу қилиб олинган. Хусусан, «Энг эски турк адабиёти намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаларида ҳам бу мавзуда етарлича фикр юритган. Асарда ҳар бир давр ўзига хос услуб билан баён қилинади. Хусусан, чигатой адабиётининг услуби, кайф, сафо, ишқ, гўзаллик, май, гул, бўлбул каби тасвир воситаларининг акс этишида намоён бўлади, деб таъкидлайди у. Демак, бу давр адабиёти «кишини аллалайдиган шаклда» гўзал ифодалар билан безатилгани учун ҳам ўзига хос услубга эга. Олим ҳар бир давр адабиётини мукамал ўрганган. Уларнинг асосий хусусиятини қуйидагича белгилайди:

- а) қабилачилик адабиётининг асосий услуби қабилавий ҳаётни тасвир қилганликда кўринади;
- б) феодал даври адабиёти эса бир ҳожим, феодал шахсининг мадҳига, таърифига, унинг атрофидаги воқеаларга бағишланган адабиёт эканлигини эътироф этади;
- в) савдо сармоси даври адабиёти хусусида тўхталганда, унинг ўзига хос хусусиятини «ҳақиқий санъат» эканлигида ва форс адабиётига эргашганда, деб белгилайди.

Кўриниб турганидек, ҳар бир давр адабиётининг ўз услуби бор. Олим уларнинг услубини белгилашда намуналарнинг туб моҳиятини асос қилиб олади. Моҳиятни тўғри аниқлаш эса асар ҳақида тўғри ҳукм чиқарилишига замин яратлади. Мажмуада олимнинг айнан шу йўлдан борганлиги кўзга ташланади. Фитрат асарда келтирилган намуналарни шарҳлашда адабиётшунослик методларидан унумли фойдаланади. Ҳар бир манбани беришда уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бири учун алоҳида метод танлайди. Яссавий ҳикमतлари хусусида фикр юритганда, ҳикमतлардаги маънони Яссавий атрофида, ҳаётда содир бўлган воқеалар билан изоҳлайди, ҳикमत замиридаги маънони Яссавий ҳаётдан қидиради. Шу тариқа у Яссавий ҳикमतлари мағзини чақшда, моҳиятини белгилашда биографик методдан унумли фойдаланади.

Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаси таркибига кирувчи намуналарнинг асл манбаларидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Берилган манбаларнинг бир неча қўлёзма нусхаларга борлиги боис, уларни қўёсан солиштиришда қийин-тарихий методга мурожаат этади. Шу орқали асл манбани топишга, тиклашга, тақдим қилишга ҳаракат қилади.

Орзугул ҲАМРОЕВА, ЎЗМУ тадқиқотчиси

ТАФАККУР ВА ТУЙҒУ ЁЛҚИНИ

қарши ёлғиз ўзи қурашаётган она тимсоли улкан муҳаббат билан кўрсатиладиган. Эсдаликлардаги «...биз, ойижон, ойижон, эртақ айтиб беринг деб ёлворамиз... онамиз барча дардларини ичига ютиб, эртақ бошлайдилар. Бу эртақларнинг кўпчилиги ҳозир ёдимда йўқ... Улар аллақандай тиниқ нур билан йўрилган, ўқик дилимизда ажиб... бир туйғу, кўз офтобидай илқ ҳислар уйғотувчи эртақлар эди» тасвири ҳам одамнинг чўнг иродасини кўрсатиши, ҳам адиб табиатидagi эзгуликлар қайси булоқдан сув ичганини аниқлаши, ҳам ўқирман сезимларига таъсири жиҳатидан катта бадий аҳамиятга эга.

Кунботиш эллари адабиётда ўз яқинларининг нуқсон ва камчиликларини очиб ёзиш аъёнаси бор. М. Горкий, Ф. Кафка, Ж. Жойс ижодида бу ҳол, айниқса, аққол кўзга ташланади. Лекин ўзбек ёзувчилари орасида яқинларининг камчиликларини очиб тасвирлаш одати бўлмаган. О. Ёқубов бу борада ҳам новаторлик қилди: эсдаликларида отаси, бобоси, амакларини қандай кўрган бўлса, ушундай кўрсатди. Чунончи, бобоси ҳақидаги: «...бобомлар ўрта буйли, микти, қопқора, чап кўзи қисик, ўнг кўзи жуда катта одам эдилар. Эғнида ёқасига тугма ўрнига ип боғланган узун оқ ятак, кенг оқ лозим, оёғига чорик кийиб, кундуз кунлари бу кенг дунёга сизмасдан, кўринганга ўшириб, асосини мушук кўринса мушук, ит кўринса ит, товук кўринса товукқа отиб, оғизларидан «баччагар» сўзи ташмасдан, бетўхтов сўқиниб юрадилар» тарзидаги тасвир ёзувчининг яқинлар шахсиятига ҳам аямий ёндашганини кўрсатади.

Тасвир ҳақиқатини ҳамма нарсадан устун қўйган адиб отасининг бобоси билан муносабатлари тасвирини беришда ҳам шафқатсиз холислик йўлидан боради. Ёзувчи отасининг ёшлиқдан бебошроқ ўсгани, уланганидан сўнг ҳам рўзгорга бўйин бермай, бобосидан калтак еб юрши, йўқчилик боис мардикорликка боришга мажбур бўлгани, у ёқларда марксизмга қизиқиб қолиши ва унга чексиз садоқати,

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» 2012 йил, сентябр оқи сон

Журналнинг кўркам муқовада нашрдан чиққан янги сониди Шарқу Фарб адабиётининг замонлар синиовидан ўтган энг қадим ва янги даврга оид намуналари берилган.

Бу гал «Навоий сабоқлари»да улуг шоирнинг «Не наво соз айлағай...» деб бошланадиган гўзал ғазали, унинг русчага қилинган (Н.Ушаков) таржимаси ҳамда ғазал шарҳи ва русча таржимаси савияси ҳақидаги навоийшунос Қодиржон Эргашев мақоласи билан танишасиз.

Ўзбек ўқувчиси қадим ҳинд шеърини билан яхши таниш эмас. Инглиз ва рус тилларидан Ўктамов Холдорова таржимасида берилган ҳинд мумтоз шеърини намоёндалари Кабир, Сулдас, Тулдас, Муҳаммад Иқбол ҳамда номаълум шоирлар иходий меросларидан намуналар ана шу маънавий эҳтиёжини имкон қадар қондиради. Нирала, Пант, Динкар сингари сўз усталари замонавий ҳинд поэзиясида бурилиш ясаган. Янги замон ҳинд шоирлари шеърларидан катта бир туркуми Амир Файзулла аслият тилидан таржима қилиб тақдим этган. Фарб адабиётда Байрон ва Бёрнс, Мильтон ва Беранже билан бир қаторда турадиган Перси Биши Шеллининг бир неча шеър



рини рус тилидан Хумоюн ўзбекчалаштирган.

Евдат Илёсовнинг «Олачипор ажал» романининг, Дино Буццатининг «Катталаштирилган сурат» қиссасининг ҳамда Шекспир меросидан «Беҳуда шовшув» драмсининг давомини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз. Абдуқаюм Йўлдошевнинг «кутилмаганда Пуанкаре гипотезасининг шайдосига айланган» қаҳрамони («Пуанкаре» ҳикояси) саргузашти, ўй-хаёллари ўқувчиларда қизиқиб уйғотиши шубҳасиз.

Миллоддан олдинги биринчи минг йилликда яшаб ўтган хитойлик донишманд Конфуций ҳақидаги Киёмиддин Назаровнинг «Муаллимлар муаллими», ҳаёт ва мамонтнинг ўзаро диалектик боғлиқ табиий ҳодисалар эканлиги борасида чуқур кузатиш ва фикр-мулоҳазаларга бой Абдулла Шернинг «Абадият ва умр» мақолалари, ҳинд халқининг фидойи фарзанди Махмата Гандининг «Давлат тили» асари (ҳинд тилидан Замира Шодиева таржимаси) журналнинг ушбу сони мундариҳасини бойитган.

«Жаҳон маданияти ва санъати» рункига ажратилган саҳифалардаги Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси жаноб Гитеш Сарма ҳамда Ҳинд маданияти маркази директори жаноб Ражеш Мехта билан суҳбат, дунё адабиёти ва санъатининг машҳур намоёндалари ҳақидаги мухтасар мақолалар ҳам жаҳон маданиятидан журналхонларга бисёр маълумотлар беради.

«ЁШЛИК» 2012 йил, 9-сон

Гулистон ДАВЛЕТОВА

ТОҒ МИСОЛИ КЎРИНАСАН ОВУДАН

ДИЁРИМ

Қорақалпоқ Аму бўйин ўйлаган,
Қизларини сулув пари сийлаган,
Йиғитлари кўпқар-улоқ ўйнаган,
Феълнинг кенгдир ўзинг каби, диёрим.

Туманлар тарқалиб, келди ёзларинг,
Ор деб парвоз этди сор-шаҳбозларинг,
Жировларинг куйлаб чертган созларинг,
Йўлинг ҳақдир сўзинг каби, диёрим.

Малҳам бўлиб армонли кўз ёшига,
Хумо қуши қўли элим бошига,
Дунё келар салом бериб қошига,
Кўнглинг оқдир юзинг каби, диёрим.

Учар қушдек уямда айланайин,
Ватаним деб жоним фидо қилайин,
Умрим бўйи хизматингда бўлайин,
Қарзим кўлдир тузинг каби, диёрим.

ҚОРА УЙ

Тоғ мисоли кўринадан овуздан,
Кўрмасан кўмсайман юрак-бонурдан,
Қийин-қистов, оч-яланғоч даврдан,
Миллатимни асраб селдан, довуздан,
Эсон-омон олиб чиққан қора уй.

Юмалоқсан, она ерга ўхшайсан,
Эрганақдан кирсам, кийиз тўшайсан.
Ғоҳо ўтта, ғоҳо сувга урилиб,
Халқим билан йўлдош бўлиб яшайсан.
Бўзатовим — бўз ўтовим, қора уй.

Оғоч керагани арис дейдилар,
Арисни боғламоқ фарз дейдилар.
Олти, саккиз қанотли уйни асраш
Авлодларнинг бўйида қарз дейдилар.
Аждодлар мероси, мулки қора уй.



Дано боболарим элни ўйлаган,
Бахшиларини, ботирларини сийлаган.
Ой балқиган кечаларда тонгача
Даста-даста дostonларни куйлаган,
Эдигей бий наъра тортган, қора уй.

Иккиқат келин керагага осилган,
Сас чиқармай, лабин тишлаб қисилган.
Ота-она чий шаклида тилакдош,
Овсинлари суюнчига шошилган.
Қорақалпоқ униб-ўсган қора уй.

Чанқовузда "Етим қиз"ни чалганда,
Бундан дардли нола борми ёлғонда?!
Қиз боланинг сирлари, ҳис-туйғуси,
Нолишлари чийларингда қолганми?
Қизлар йиғлаб ёр-ёр айтган қора уй.

— Манов унинг ўли борми? — десалар,
Ўғли бўлса она кўнгли юксалар.
Бўлмаса, "Чанғароқ йиқилди" дея
Бегоналар йўқлов айтиб юк солар.
Увуқлари дир-дир этган қора уй.

Яхши ният — келин келса бир уйга,
Кўёш чиқиб, қўйилгандек нур уйга.

Улоқ ўйнаб, от чоптириб тўй берган,
"Қалани баҳам кўр, меҳмон, юр уйга" —
Қорақалпоқ тўйхонаси қора уй.

Ушбу кун ўзгарди даврон шамоли,
Яшнаётир қорақалпоқ жамоли.
Қамаштирар олам аҳли кўзини
Озод-обод эл-юртининг камоли.
Яратганга шукронам кўп, қора уй!

САҲРО МАРОЛИ

Менинг дилим ичра қулфли сандиқ бор,
Унда лиқ тўла сир — олтин, сийму зар,
Кўзларимга дунё бўлмас эди тор,
Ёр, сени соғиниб юрмаганимда.

Ёмғирни кўмсайди қалбим ороли,
Сувга чанқагандек саҳро мароли,
Қундузим қуёшсиз, мотамсароли —
Оқ отда тушимда кўрмаганимда.

Севинчим, шодлигим, умрим сафоси,
Ўзинг дардим, ўзинг дардим давоси,
Қалбимда яшнайди севиғи жафоси
Кўнглингдан гул узиб бермаганимда.

ТЎРТЛИКЛАР

Баъзиларнинг кўнгли кўри кўр бўлар,
Ҳолин билмай, кўзлагани тўр бўлар,
Шум ҳатвоқ бўлса, ошинг шўр бўлар,
Яхшиларнинг борлигига минг шукур.

Яхшилар бор, дардинг бўлиб олгандай,
Яхши боис ёмон бори ёлғондай.
Озорланган кўнглинг бироз яйрайди,
Қаҳратонда қўёш назар солгандай.

Дунёга ўч ҳеч ким фойда олмаган,
Бузуқ нафсини тўғри йўлга солмаган.
Пайкаганим, дунё кизил тулқидек —
Хўсини гўзал, қилигин ҳам ялмаган.

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси

*Қора уй — ўтов

Рустам МИРВОҲИД

ЮРАГИМДА КЎЗ ОЧДИ БУЛОҚ



Навой қалбини зиёрат қилган,
Фузулий сийнасин беаёв тилган,
Машраб гарданига исёнин илган —
Дард билан шеър.

Бунда ғам ғамларга малҳам мисоли,
Тафаккур чекина... мубҳам мисоли,
Ташри томонидан қарам мисоли —
Дард билан шеър.

Кўк чоки ситилса — қақилса чақмоқ,
Буни табиатга йўймағил, ўртоқ,
Шоир юрагига кўз очди булоқ —
Дард билан шеър.

У улкан қоядир, у — нафис чечак,
У — ёрин илтизор кутган келинчак,
Туйғу гар боладир, унга беланчак —
Дард билан шеър.

Бутун дунё қалқиб турар симобдай,
Биткилар йўқ эмас сувда хубобдай,
Шоирлар! Тан олинг андак камёбдай —
Дард билан шеър.

Наҳот, битмай қўйса қалам ғазали,
Наҳот, боларилар сўрмас асали,
Наҳот, ром этолмас битта гўзали —
Дард билан шеър?!

Бас, энди келинг-да, соғиндим сизни,
Чўздек юзингизга босайин юзни,
Жонимдан сугурманг томирингизни,
Майлига, йиғлатинг мен суйган қизни,
Ҳақнинг товасида қовуринг бизни —
Эй сиз, дард билан шеър!
Ҳой сиз, дард билан шеър!..

СЕН...

Хар буюқда сенинг рангинг бор,
Хар товушдан келадиган нафисинг.
Хар учқунда ялтирайдурсан,
Хар томчида, оҳ, сенинг аксинг.

Мухринг бордир ҳар бир заррада,
Хар қаричда намоёндинсан.
Сен — ҳар недан кўхўсан буткул
Ва ҳар недан навқирондинсан!

Қаён боқмай дуч келдим сенга,
Бордиқ сендан иборатини ё?
Бу дунё ҳам сенинг гиштинган
Бино бўлган иморатини ё?!

Сендан қочиб қайта кетаман,
Қочган сари — сенга етаман.

— Ҳалиям ётибсизми? — деди кампир эрига
тўнғиллаб. — Сулаймон ўлди, девлар қутил-
ди, экан-да?!

Уринбой синчи ҳовли бўйлаб бир кур
назар солди-ю, хотини тайинлаб кетган иш-
лар; на бугедай элшав ва на даҳлизча жойдаги
беда ўрилмаганини кўриб мавзуни бошқа
ёққа бурди.

— Сафарингиз эрта қарибдими, кампир?!
— Сўнг хотини миқ этмаганини билиб,
хушомад қилишга ўтди. — Маҳкам бойвачча-
нинг келини бир палов тайёрлаптики...
Зиранинг иси, оҳ!

Момо "тарс-тарс" қадам босиб бобонинг
қаршисига ўтирди.
— Қорним тўқ, меҳмондан қайтаяман! Қани,
ёстиқини олинг-чи!

— А, энди... Сиз емасангиз, биз бормиз...
Тўғрими, қизим?

Келин қайночасининг фикрини маъқулла-
ди, гарчи тушуниб етмаган эса-да! Кейин
дастурхонни ёзиш асносида қайночасига
"Яхши бориб келдингизми?" — дея мулоза-
мат қилди.

Маҳкам момо ўғил уйлантирган аёлларга
хос кибр ила тураркан, тил учиди «Ҳа» деди-
да, буюрди:

— Овқатинг пишган бўлса, опкел! Чолим-
нинг қорни ич-ичига ёпишиб кетгандир-ов!
— Ҳозир сузиб келаман, ойижон!
Қайноча «ойижон»дан эриб кетди ва чоли-
га қараб «қўрдингизми?» каби қош қокди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас чинни лаганда па-
ловхонтўра ва кетидан кўк чой келтирилди.
Чой ошининг қамчиси-да! У чойни қайтариб
чол ва кампирга узатди, кейин «олинг-олинг»
қилинди. Уринбой синчи рапидадек қўлига

бир капкирдек палов олиб ошлади-ю, чай-
наш вақтида кўзлари ола-қула бўлиб жав-
диради. Томоғини шўр таом тирнаб, қорни-
гача жароҳатлади. Келиннинг киприклари
тез-тез пирпиради. Момо эрининг ҳолати-
дан шубҳаланди.

— Тузи кўпмикан?
Бобо шоша-пиша ютиниб жавоб қайтарди.

— Бирам мазалики, биров тортиб олади-
гандек шошилганимдан тикилиб қолдим.

КЎНГЛИМ

Кўнглимга бир оғиз сўзинг етишмас,
Кўнглимга бир оғиз сўзинг ортиқча.
Кўнглимни ҳеч киши олишини билмас,
Кўнглимни бир ўзинг олдинг, менимча.

Олдингу ташладинг бамисоли хас —
Ўт аро ўртандим, ҳолим бўлакча:
Муҳтожман — озгина меҳринг етишмас,
Безорман — озгина қаҳринг ортиқча...

Қоғоз шёлладир, шеър — унда шароб,
Шоирлар қуяди, шеърхонлар ичар.
Балки, шундан баъзи шеърларини ичиб,
Рухият самога мастона учар.

Мен ҳам ўқимайман, шеърни ичман,
Қоғознинг тубида қатра қолгунча.
Фақат сен тўхтабман, тозасидан қўй,
Соқий, дуонинг қилай Ула-ўлгунча.

Мабодо, йиқилсам, қаламингни бер,
Менга асо бўлсин уйга етгунча!

Кипригинг — тугуртқўп, саф чекиб турар,
Қопларинг уларга ишқалғичдир.
Кўзларингни очсанг — ёнади улар,
Кўзларингни юмсанг — ўчди бир-бир...

Қарашма қилсанг-чи кўзугга боқиб,
Хонангда ёруғлик ёниб ўчди.
Ташқарида... мендек ошқидар қатор
Бунга термулганча тизза қуяди...

Кулсанг — дил осмонига қўёш чиқар чарақлаб,
Йиғласанг — буздуларинг кўз ёш тўқиди сим-сим...
Аммо, бир ҳолатки бор: қулиб туриб йиғласанг —
Қўёш чиқиб ёмғирлар тўқилгандай, азизим.

Ўша он ҳайратларим камалакдай ранго-ранг...

ОҒАҲИЙ БЎЛ!

Огоҳликка матлуб давримиз бутун,
Бизин огоҳликка ундайди Ватан!
Бефарқлик — энг чингал, ечимсиз тутун,
Чўқур томир отди дилда қайтадан.

«Менга нима!» сўзи урчиб ётибди
Чиркин бурчакларда суварак каби.
Лоқайлик — ҳар ишда ханда отибди,
Нигоҳларим нафсини алабди айбини?!

Бизин эса ютар вақтинг юҳоси,
Отан нафасига қайдалар қалқон?
Ўзи беш кун бўлса гаддор дунёси,
Тўрт кунинг гафлатда ўтқардинг, инсон!

Бас, энди мудрама, ҳомузалан қоч,
Юзингни ҳидоят обига ювгл.
Ҳақнинг насинига деразангини оч,
Ичингдан ул хира тутунни қувғил.

Токи, «пушмон» деган бу аччиқ сўзини
Умринг саҳфасидан ўчирай десанг,
Огоҳ бўл, тамома, Огаҳий бўлғил,
Магар охирагинг ғамини есанг!.

Олим ЖУМАОБОВ

ЖАЗО

Ўша вақтлар чамаси ўн ёш эдим. Айни кун,
аммо атрофда киш аёзи дайдириди. Кўчада
мен каби довуқ сезмас «уйин бола» си. Қўрин-
маса, аксар одамлар уй ичига тикилишганди.
Хар галгидек, ҳориб-чарчаб уйга қайтдим.
Дарвоза тирқишидан ичкарига мўраладим:
ойим айвонда тутаклиб синглимга бақирар,
қўлида тут новдасидан хивчин: афтидан мени
жазолаш учун бўлса керак.

Гаврон танамдаги эски оғриқларни кўзга-
ди. Боиси бунақа сахналар менга янгилик
эмасди. Девор панасига ўтиб, ойим ҳовури-
дан тушишини кута бошладим... Бир пайт
қўшимиз Мутал ака ҳовликига келаверди. Бор
гални мендан билган, дарвозадан
ҳовлига кирди-да, зум ўтмай кет-
мон орқалаб чиқди.

Ҳаёлимга елдек урилган фикр-
да қувондим: «Кетмонга борув-
дим, ушланми қолдим», дейман
ойимга. Унга эргашдим.

Мутал ака тўғри оғилхона та-
рафга етаклади.

Пахса деворга суянч катак қар-
шисига бордик. У кетмонни де-
ворга тираб енг шимарди. Ит бо-
лалапти: катак ичиди гидиклар
ағнаб ўйнар, бир-бирини тишлаб хураб, ялаб
қолқайтган онаси атрофиди ирғишларди.

Уй эгаси шундоқ шифтга тикилган селитра
халтани олди. Сўнг у итни катагидан судраб
чиқарди ва бошини катакка суқиб кучук-ба-
чаларни текшириб қолга сола тушди. Она ит
катак атрофиди еру қўкка сиймай, қандайдир
нохушликни сезгандай оёғи билан ер титиб
муттасил гингширди. Мутал аканинг иши бит-
ган кўзгаларкан, катакда иккита кучука қол-
ганини кўрдим. У қолни орқалади ва кетмон-
ни узатиб деди:

— Бу кучукваччаларни нима қилишни
яхши биламан!

Биз дархатзор оралаб далага қараб жўна-
дик. Ортимиздан то Олатаёққа етгунимизча
Олапар иярди. Мутал ака унга тош ўқталди.

— Олапар... Тур йўқол!

Далалар шудгорлангани боис лой, оёқ
ботиб одам юришга қийналади. Себалаётган
ёмғир эса дард устига чипқон. Биз зўрға жар-
ликка яқинлашдик. Жарлик ёқасида чуқур ўра-
лар, биқинида хандақлар ҳосил бўлган, чети-
ни сел ўпирганди.

— Кетмон шарт эмас экан, — деди Мутал
ака қулиб.

Шундагина менга ҳали-ҳануз сир бўлиб
келаётган муаммо ечимни кўринди. Демак, у
кучукчаларни тириклайин кўймоқчи! Мен ум-
ман иложсиз эдим. Кутганимдек Мутал ака
кучукчаларни ўрага ташлай бошлади. Кетмон-
ни улоқтириб шартта унинг қўлига ёпишдим.

— Ўзим боқаман, менга беринг!

Йиғлаб ялиндим, фойдаси бўлмади; у мени
силтаб ташлади. Зумда ўра ичиди лой ва бал-
чиққа қоришган кучукчалар жон таллашиб
гинғий бошлади. Кўз олдимда содир бўлган
фожеани тасвирлашга тил ожиз...

Кишлоққа қандай қайтдик, билмайман.
Чорасизлик ва изтироб, яна қандайдир ном-

сиз туйғулар қоришигидан пайдо бўлган куч
мени қийнар, қўлларим мушт бўлиб тугилар,
негадир кўзимдан дувиллаб ёш оқарди.

— Қанийди илохий бир қувват инсаю бо-
лаб унинг додини берсам!», деб алам билан
ўйлардим. Мутал ака ҳолатимни сезди,
шекилли, мени юпатишга уринди.

— Э, оғайначилиш, нега йиғлайсан? Ўғил
боласан-ку! Бу қанжикачаларнинг кимига ке-
раги бор. Орлон бўлганида, бошқа гап эди...
Бир аҳволда уйга қайтган бўлсам керак, ойим
жазолош ўрнига атрофимда парвона бўлиб
қолдилар. Ойим ҳарчанд қаттиққўл
бўлмасин, лекин эрқа ўғлининг кўз
ёшларига чидаб туролмасди.

Қовоқларим шишиб кетганини
қўрғач боғи ваҳоҳатидан асар ҳам қолмади.
Кўчадаги гапни уйга олиб келмаслигимни
билсалар-да, нима бўлганини сўраб холи
жонимга қўймадилар. Аммо миқ
этмадим. Иситман чиқиб ётиб
қолдим. Дори-дармон таъсирида
кўзим илинганини ҳам сезмаб-
ман...

Уйдаги шивир-шивирдан уйго-
ниб кетдим.

Отам ва онам паст овозда сук-
батлашарди.

— Бечорага қийин бўлди-да!
Бир ўғилга зор эди-я, яна қиз
қўрибди. Муталнинг аҳволи чаток,
қайғуси қора қозон!

— Таваба! Нима қиз фарзанд
эмасми?! Тирноққа зор одамлар ҳам бор.
Аҳмоқда шу Мутал ҳам. Айбни келиндан кўриб
кун бермайди, шўрликка...

Билдимки, Мутал ака яна қиз топган.
Тўртинчи қиз! Ҳар гал қишлоқда биров фар-
зандли бўлса севинардиқ. Боиси, қалмаси зиё-
фатдан биз болалар ҳам четда болмасди-да!
Лекин бу сафар кўнглимда ҳеч бир шодлик
йўқ эди... Кўз олдимда Мутал ака лойга чўктир-
ган кучукчалар жон азобида ўлим билан оли-
шарди...

Бу воқеа бир умрга қалбимда битмас жа-
роҳат бўлиб қолди. Ўша воқеанинг асорати
хар гал Мутал аканинг хотини туққанида ян-
гиланаверади...

ҚАЙНОТА

Уч кунлик келинчак ўчоқ бошида куймала-
ниб юраркан, Уринбой синчи тикилди. Хай-
рият, қозон қайнатмоқчи! Нима қиларкин,
қачон пишаркин? Қорин таталаб ҳам кетди-
ку! Айвондан туриб келинига қиқирди.

— Ойша қизим, кеч бўлганда нима таш-
виш?

— Ош, — деди ийманиб келинчак ва
кўнгли қайночасининг қизимлаши-
дан алланечук тўлқинлиб кетди
ва баттар шошилди.

Икки ҳикоя

Келиннинг ҳаракатларидан
мамнун бўлган бобо ёрдамга ўтди ва талай-
гина қизил сабзи арчиб, сомонча шаклида
тўғради. Доналаб курмак териб ўтирган Ой-
шанинг қўлидан лаганни олиб гуруч тозала-
ди, кейин бобоқ хўрозга дон-дун, овушоқ
сочди.

Бу пайт Ойша берилиб устихон қовураб,
чумчал зиғир мой хиди бутун чор-атрофга
тарқалиб томоқ қитиқлар, ўзининг ҳам
димогоини бўғарди. Ачимсиқ тутун ҳидидан-
ми, пиёзнинг аччиғиданми унинг узун кип-
риклари намланган, ўнг қафтига ёғ сачраб
қуйганди.

— Болам, девзирани ивитиб қўйдим.
У ўғирлиб қайночасининг қўлига қаради-
ю, идишни деразага қўйганини кўрди-да,
"Овора бўлманг, ота!", деди. Аммо шунчалик
секин гапирдики, ўзи ҳам эшитмади.

Бобо ошхонадан чиқиб оғзига бир чеким
нос ташлагач, тўғри сўри томон юрди ва
шойи кўрпага чўзилди.

— Хотин бўмай кет, сўфтурушинг қизи! —
дея кампирини қойиб бошлади ўзига-ўзи. —
Нима бало уйингдан илон чиққаними?! Эрта
азон кетувди, ичимга гапга тўлиб кетган-да!
Хали келсин, бошлаб сўкмасам отимни бошқа
қўяман!

У пухта режа тузаркан, темир даричадан
"ғийл" этган нола чиқдию хаёли бузилди. Чол
ирғиб ўрнидан турди ва супа оша жўякка
туфларди. Тупроқ бети яра тушган бадандек
кўпчиди...

Сирлашув.



Абдуғани Жума олган сурат.

Жиззях.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Улуғ амир рўпарасида теурийзодалар Мирзо Улуғбек, Хусайн Байқаро, Бобур, Муҳаммад Султонлар жой олиб, ўзаро суҳбат қуришмоқда. Музейнинг ёш ходими Ҳикматжон Оннаев сўнги йилларда музейда амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб берди:
— Аслида ўн олти йил музей учун кичик муддат ҳисобланади, — дейди Ҳикматжон

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК КЎЗГҮСИ

хайратимни кўриб. — Негаки, музейни ташкил этиб, унинг экспозицияси шакллантириш узоқ йилларни талаб этади. Зеро, тарихий ашёларни тўплаш ва саралаш мураккаб жараён. Шунингдек, бошқа музейлар билан ҳамкорликни йўлга қўймай туриб бирор натижага эриши қийин. Дунёга машҳур Лувр, Эрмитаж, Метрополитен каби музейлар ҳам бугунги мақомига бирданига эришгани йўқ. Бунинг ортида катта изланишлар, бир неча авлодларнинг меҳнати бор.

Айни пайтда бизнинг музейимиз ёш музейлар сафига қиради. Шунга қарамай, қисқа вақт ичида катта натижаларга эришилди. Хабарингиз бор, музей 1996 йил 18 октябрь куни Амир Темур бобоимизнинг 660 йиллик тўйи арафасида очилган эди. Шу сабабли музей фаолиятининг илк кулариданоқ унга қизиқиб катта бўлди. Утган йиллар ичида бу ерда сақланаётган экспонатлар сони беш баробар ошди. Табиийки, музейга келувчи муҳлислар салмоғи ҳам ортди. Бу даргоҳга Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан, МДХ давлатларидан ҳамда хориждан кўплаб меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Улар орасида президентлар, нуфузли расмий делегациялар ҳам борлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ҳозирги пайтда музейимиз Марказий Осиёдаги энг нуфузли маънавият масканларидан бири ҳисобланади.

Музей фаолияти ҳақида тўққиланиб сўзлаётган ёш мутахассисга ҳавасим келди. Шундай улғур музейда ишлашнинг ўзгача гашти бор. Ҳар куни юзлаб одамлар билан учрашасан, уларга тарихимиз ҳақида хикоя қилиб, турли экспонатлар билан таништирасан. Ҳикматжон музейда беш йилдан буён фаолият юритиб ке-

лади. Айни пайтда воизлар бўлими бошлиғи. Бир эмас, тўрт хорижий тилда эркин сўзлаша олади.

У билан суҳбатимиз музей залларида, япониялик сайёҳлар ҳамроҳлигида давом этди. Японияликларнинг мамлакатимиз тарихига қизиқиши катта. Айниқса, теурийлар даврига оид қурол-аслаҳалар саёхатчиларда чўқур таассурот қолдириди. Ҳар бир экспонатни синчиклаб кўздан кечириб, суратга ҳам олишди. Айримлари ён дафтларларига қайдлар ҳам тушириш-

ди. Япон тилидан хабарим бўлмаса-да, улар экспонатларнинг номи-ни ёзиб олаётганига ишончим комил. Шу пайт япониялик сайёҳларнинг каттагина қисми теурийлар даврида ишланган суворий эгари атрофида тўплана бошлашди. Олдий жангчининг анжоми японияликларни нега бу қадар қизиқтириб қўйганини билишга қизиқдим. Буни қарангки, уларни эгарга ишланган алвон рангли нафис нақшлар ҳайратга солган экан. Саёхатчиларнинг ёши улуги Ёсихиса Хонданнинг айтишича, машҳур япон самурайларида ҳам ўз қурол-аслаҳаларини нафис санъат намуналари билан безаш одати бўлган. Сабаби, самурай моҳир жангчи бўлиш билан бирга ақл-заковат ва назик дид соҳиби бўлиши керак экан.

Ўйлаб қарасам, япон сайёҳининг бу фикри замирида чўқур маъно бор. Зеро, Амир Темур қўшинида хизмат қилган аскарлар шунчаки ёлланма жанчилар бўлмаган. Тарихчиларнинг хабар беришича, саркарда аскарлари қилч чопиш, камон отиш билан бирга ақл-заковати, топқирлиғи билан ҳам ажралиб туришган. Вақт ўтиб бу аскарлар зобит ва қўмондонларга, кей-

инчалик эса Соҳибқироннинг суянган маслаҳатчиларига айланишган. Ушбу эгар ҳам ўз замонасининг оқил, зиёли саркардасига тегишли бўлганига шубҳа йўқ.

Мазкур экспонат музейнинг асосий экспозициясидан ўрин олган юзлаб тарихий ашёлардан бири, холос. Бу ерда теурийлар даври хунармандчилиги, савдо алоқаларига оид буюмлар билан бир қаторда маҳобатли архитектура намуналари тархлари билан ҳам танишиш мумкин. Музейдаги янги экспозициялар ҳам томошабинларни ўзига жалб этаётган. Жумладан, таниқли мусаввира Азиза Маматованинг "Вақт ва инсон" номли кўрғазмаси кўпчиликларида қизиқиб уйғотиши турган гап. Ундаги мустақил ижод намуналарида теурийлар даврида яшаб ижод этган олим ва шоирлар, етук давлат арбобларининг портретлари намойишга қўйилган. Шу билан бирга, экспозиция залида жанговар чодир тикланган бўлиб, ундан рамзий тахтиравон ҳам жой олган.

Музейнинг яна бир йирик лойиҳаси — "Хориждаги меросимиз" номли кўрғазма эътиборимизни тортди. Унда дунёнинг йирик марказларида сақланаётган теурийлар даврига оид миллий бойликларимизнинг ноёб нусхалари ва фото суратлари билан танишасиз. Турли сопол буюмлар, Улуғбекнинг нефритдан ишланган шахсий пиёласи, Амир Темур буйруги билан Аҳмад Ўссовий макбарасига ишланган мойчироқ, Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳри, Камолитдин Бехзод томонидан ишланган миниатюралар

томошабинларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Теурийлар тарихи давлат музейи бўйлаб сайёҳатим якунига етар экан, беҳитиёр марказий залдан ўрин олган маҳобатли деворий суратга яна назар ташлайман. Буюк бобокалонимиз хотирасига бағишлаб бунёд этилган ушбу муҳташам даргоҳ ундан жой олган ҳар бир экспонат юрагингиз тўридан жой олади. Ана шундай дамларда буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини ҳис этасан.

Азиз ИМОМОВ

БИР МАКОНДА ИККИ ҚИЁФА

Ўзбекистон давлат санъат музейида "Н.Кашина ва П.Пикассо. Шарқ ва Ғарб маданияти диалоги" кўрғазмаси очилди. Кўрғазма ташкилотчилари ХХ асрнинг таниқли рассомлари ижодидаги ўзаро ҳамоҳангликни очигина интилганлар. Пабло Пикассонинг ноёб бадиий кулолчилик буюмлари ва Надежда Кашинанинг ўзига хос графика ишларини бир маконда тақдим этиш гоёси кўрғазма йўналишининг янгилигини таъминлаган. Асосан рангтаъсир асарлари билан машҳур Пикассо чинилари ёки Кашина чизматасвирлари улар иқтидорининг бир бўлаги экани мазкур кўрғазма орқали намойён бўлган.

Пикассонинг тинчлик рамзига айланган кабулари бутун дунёни айланган. Бугун ана шу кабуларни санъат музейининг экспозиция залида кўриш мумкин. Мадур устaxonасида тайёрланган декоратив идишлардаги асосий безак кабулар ва аёл чехрасидан иборат рамзий образдир. Бу образ француз шоири ва рассомнинг кадрдон дўсти Поль Элюарнинг "Дунё қиёфалари" (1950) шеърини тўплами иллюстрацияларига монанд бўлиб, аниқ ва содда чизикларда ишланган. Олдий кундалик буюмда таъсирланган мавзу орқали рассом тинчлик, самимийлик, эзгулик гоёларини акс эттиради.

"Доира тутган қиз", "Тушлик", "Дўппи", "Самарқанд мадоннаси" асарлари Н.В.Кашинани рассом сифатида машҳур қилган асарлар. Унинг ижодида чизматасвир ҳам мустақил йўналиш бўлиб, чизикларнинг бадиий ифодавийлиги, таъсирчанлиги ургу берилди. Кашинанинг чизмалари эскиз, қоралама ёки дастлабки тайёрлов материали сифатида эмас, аксинча, белгиланган моҳиятга, бадиий ифодавий таъсирчанлик фазилатларига эга санъат асарилардир. Музей экспозициясида рассомнинг

элли даври афсоналари ("Европанинг ўғирланиши", "Эллин мотиви"), Марказий Осиё мавзулари ("Кўғирчоқ театри", "Қовун бозори", "Самарқанд бозори"), рус ҳамда Ғарбий Европа шоир ва ёзувчиларининг асарларидан илҳомланган композициялари, пластик хусусиятга эга чизматасвир асарлари, ўз яқинлигига бағишлаб яратган табрик отқитқалари намойишга қўйилган. Бу асарлар Н.Кашина ижодининг француз рассоми Пабло Пикассо ижоди билан нечоғли ҳамоҳанглигини намойён этади.

Композицион ва рангтаъсир ечимининг ифодавийлиги ҳамда пластик чизикларнинг таъсирчанлиги П.Пикассо ва Н.Кашина ижодини ўзаро боғловчи жиҳатдир.



«Тақдирнинг башорати»

лардир. Бу ҳолатни, макон турфа хил бўлса-да, даврининг ягоналиги ёки ижодкор қалбидagi зиддиятли гоёларнинг яратувчанлик қобилияти билан ўзаро монанд келиши сифатида изоҳлаш мумкин. Испанларга хос бўрттиришга мойиллик (П.Пикассо) ва чизиклар нафосатини (Н.В.Кашина) қўришга иштиёқмандлар мазкур кўрғазмадан катта маънавий озиқ оладилар.

Нигора КУЛТАШЕВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугун мамлакатимизнинг барча театрларида туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёни кечмоқда. Театрларнинг моддий базаси кундан-кунга мустаҳкамланиб, улар узун янги қошқонлар бунёд этилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри мисолида янги давр хусусиятларини аққол кўриш ва ҳис этиш мумкин. Истиклол йилларида Миллий театр саҳнасида ўзликни англашга, маданий меросимизга янгича муносабатларни ифодалашга, миллий қадриятларимизни намойиш этишга бағишланган кўпгина спектакллар яратилди. Театрга томошабинлар гуриллаб кела бошлади, чипталари аввалдан сотилиб кетадиган спектакллар пайдо бўлди. Миллий театрнинг нурафон соҳнаси фақат саҳна асарларининг намойиши билан чекланмай, жуда кўп маданий-маърифий тадбирлар, тантанали маросимлар ўтказиладиган кўркем масканга айланди.

Демак, театр санъатига доир юксак гоёвий-бадиий талабларга жавоб биринчи навбатда Миллий театр амалиётида рўй бериши лозим, дейишга ҳақлимиз. Албатта, театр репертуарида замон талабларига жавоб берувчи кўплаб спектакллар бор. «Огоҳ бўлинг, одамлар», «Тақдир синовалари», «Кўёшни сен уйғотасан», «Ўзбекча рақс», «Омон бўлинг, азизим» каби спектакллар шулар жумласидан. Шу ўринда Б.Тураевнинг ўзига хос услубда саҳнага олиб чиқилган, режиссёрлик топилма-си билан ажралиб турувчи «Қумдаги севги жилолари» спектаклини ҳам айтиш бўлган. Бироқ театрда ижодий ютуқлар билан бирга айрим муаммолар мавжудлиги ҳам сезилади. Хусусан, жамоа бу йилги мавсумини «Имкон» спектакли билан очгани бизни бу борада мулоҳаза юритишга ундади.

Театр санъатида ҳар янги мавсум репертуардаги «шоҳ» асарлардан бири билан ёхуд сўнги мавсумда гоёвий-бадиий хусусиятлари билан соҳада «воқеа» бўлган, кенг жамоатчилик диққатини тортган асар билан очилиши жаҳон театр жамоаларида ҳам амал қилиниб келаётган, қоидага айланиб

кетган тартиб. Миллий театримизнинг ҳам шаклланган анъаналари мавжуд бўлгани ҳолда янги ижодий мавсум бадиий саёз спектакл билан бошлангани мен, очиги, тушуноқим.

Репертуар бисотида театрнинг ижодий дастхатини, гоёвий-бадиий ралохиятини намойён этувчи асарлар бўла туриб ҳаваскорлик даражасида ёзилган пиеса асосида қўйилган, фақатгина актёр Бехзод Муҳаммадкаримовнинг юксак маҳорати туфайли спектакл мақомини зўрга ушлаб турган асар билан мавсумини бошлаш кишини беҳитиёр ўйлантиради.

Утган мавсумда саҳналаштирилган асарларга назар ташлайдиган бўлсак, тўрт асардан учтаси гоёвий-бадиий жиҳати, драматургик хусусиятларига кўра «Имкон» спектаклидан ҳам орқада эканини эътироф этмай иложи йўқ. Фақат Р.Муҳаммадjonовнинг оилани асраш мавзусидаги «Йилгама қиз» асари асосидаги спектакл бошидан охиригача томошабин диққатини ушлаб туради. Спектакл иштирокчиларининг саҳнадаги хатти-ҳаракатлари драматург илгарти сурган асосий гоёни ифодалашга йўналтирилган. Спектакл ёш актриса Дилноза Кубаева билан санъат устаси Тўтихон Юсуповнинг юксак истеъдоди намойишига айланган.

Мавсум афишасидан ғарбинг ўртамёна драматургларидан Р.Томанин «8 мейрибон аёл» пиесаси жой олиши ҳам тушунарли ҳол. Бу асар бизнинг театримизга ва томошабинга нима бериши мумкин?!

«Яраланган оққуш ноласи» ва «Танҳо юлдузим» («Танҳо юлдуз-2») спектакллари театрнинг репертуар сиёсати, унинг ижтимоий бурчи борасида айрим саволларни очик ўртага ташлашга мажбур қилади. Зеро, мамлакат етакчи театрнинг жамият маънавий ҳаётидаги мавқеи, ижтимоий нуфузи давримизнинг эстетик эҳтиёжлари ва талабларига жавоб бера оладиган асарлар яратишни талаб қилади. Хатто тор, маъшиий мавзудаги асарларда ҳам персонажлар табиатида, хатти-ҳаракатида давр нафаси сезилиши зарур. Албатта, Миллий театримиз ҳам бундан мустасно эмас.

Эҳтимол, фикрларимиз жамоага у қадар хуш келмас, шундай бўлса-да, биясида маданият, санъат ва таълим уйғунлиги» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи бугунги кунда санъат ва маданият соҳасида етишиб чиқаётган кадрлар, соҳада таълим жараёнлари, мавжуд муаммо ва кўриляётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича фикр юритди.

Қўмита аъзоси Ҳ.Хайтовнинг «Маданият ва санъат ривожланишининг маънавий, ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришда амалга ошириляётган қонунчилик ишларига бағишланди. Профессор С.Қодирова янги давр санъатини яратишда санъатшунос кадрлар фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Институт проректори, профессор А.Мавруловнинг маърузаси ҳам катта қизиқиб уйғотди. Маърузалардан кейин иштирокчиларни қизиқтирган саволлар асосидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Билдирилган амалий тақлифлар яратилаётган қонун лойиҳаларига киритиш учун тавсия этилди.

Миллий театрда эътироф топган драматурглар сафи кенгайиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол. Бироқ натижаларни ҳозирча қониклар дейиш қийин. Аввало драматургия деб аталган мураккаб соҳада ишлашга интилган, ёзувчи сифатида элга танилган қалам соҳиблари билан тизимли ҳамкорлик кўзга ташланмапти. Миллий театр Эркин Аъзам, Абдулла Аъзам, Усмон Азим, Эркин Хушвақт, Рихисови Муҳаммаджон, Шўхрат Ризаев, Ғафур Шермуҳаммад, Қўчқор Норқоч каби ёзувчилар ва бошланғич асарлари театр мутахассислари эътиборини қозонган ёшлар билан ишлаб, пухта асарларни саҳнага қўйиш ўрнига «Яраланган оққуш ноласи», «Танҳо юлдуз-2» каби бадиий-гоёвий саёз пиесаларнинг саҳнага чиқиб кетаётгани ачинарли ҳол.

С.Сирожиқдировнинг «Яраланган оққуш ноласи» пиесасидаги воқеалар бизнинг жамиятда содир бўлиши

Шахсий мулоҳазалар

«Ғариблар» (реж. Б.Йўлдошев) спектаклида қахрамонларнинг шифқатсиз фарзандлардан кўрган оқибатлари ўзбек томошабинлари қалбини ларзага келтирган, ижролари ижодий мактаб даражасига кўтарилган бўлиб, ғарб турмуш тарзини акс эттирган мазкур асар ўзбекона оила ва унда ота-она ва болалар орасидаги муносабатни янада эҳтиётлашга ва эъзоз-

лашга ундар эди. Дельмар пиесасида оқибатсиз фарзандларнинг ота-онани уйларига сифдирмай, қариялар уйига ташлаб қўйишлари, кексалар драмаси улар яшаб турган жамиятнинг ижтимоий-маънавий моҳиятини кескин қоралаш пафоси билан сугорилганди.

«Яраланган оққуш ноласи»да эса фарзандлар ҳаммаларини уйли-жойли қилиб қўйган, илмли бўлиб, нуфузли мавқега эришишларини ҳам таъминлаб берган ёлғиз отасини касал-хонадан ўз уйига олиб келишни ис-тамайди. Барчаси ақдидил билан қарияни ўзлари яшаб катта бўлган, оналари ўтган жойда ёлғиз қолдиришга, ўзларича «олжаноблик» қилиб, отага қароб туриш учун хизматкор ёлғашга қарор қилдилар. Асарда Ота таниқли, хатто чет элларда кўрғазмалари ўтказилган рассом сифатида тавсифланди. Фарзандлари ҳаммаси ўзидан тиниб-тинчиган, ўзига тўқ, аммо бойликка ҳирс қўйган шахслар бўлиб гавдаланди. Булар орасида энг фаоли рассомнинг катта қизи, университет профессори Нигора бўлиб, отасининг аянчи ҳолатини ҳам «қулиб туриб» кузатади.

«Ғариблар» пиесасидаги драматург мотивлар мазкур пиесасига шундоқки-на қўйиб ўтмайди, балки чўқурлашди. «Севимли» отани уйларига олиб келишни истамаганликлари, ўлмаган одамнинг мотам маросимига совуқ-қонлик билан фаол тайёрларлик кўра бошлашлари, мотам кийимларию машиналаргача буюртмалар бериши кишини ажаблантирмай қолмайди. Фарзандлар ўзбекларга мутлақо ёт одатини намойиш қилдилар. Ғарибнинг тубан маънавиятли кишилари — «Ғариблар»даги фарзандлар жазм этолмаган муртадлини совуққонлик билан амалга оширадилар: улар руҳан соппа-соғ отани жиннихонага тикадилар.

Эҳтимол, муаллиф жамиятимизда бойликка ружу қўйган фарзандларга нисбатан кенг жамоатчиликда нафратни шакллантиришга интилгандир. Аммо бу яхши ниятти амалга ошириш учун асар пухта ўйланган композицияга эга бўлиши лозим эди. Ҳунда қилиб айтганда, драма санъатида нур ва сўятасида кураш бўлиши, икки тараф мақсадли хатти-ҳаракатлар ила фаолият кўрсатиши кераклиги бу соҳа учун исбот талаб қилмайдиган хусусиятидир. «Яраланган оққуш ноласи»да асосан соя томон ҳаракат қилади. Нур томоннинг имкониятларини рассомга қараб туришга ёлланган қариқиз (бир вақтлар рассомни севиб қолган, жавобсиз муҳаббат қурбони) ва набира гавдалантиришга ажиб қиладилар. Уларнинг пиесасидаги мавқеи ва иш-тироқи жуда ушқ, Умуман, воқеалардаги уйдирмалар, қахрамонлар образининг гоёвий ва бадиий ечим томошабинларга айтилаётган гаплар пухта ўйлангани, пишитилмаганини кўрсатиб турибди.

Бугунги жамиятимиз ҳақида асос-сиз салбий таассуротлар туғдирадиган битикларнинг саҳнага чиқиб кетиши Миллий театрда репертуар шакллантиришда талабчанлик етишмаётганидан, драматургларни, пиеса ёзиш соҳаюлигига эга муаллифларни жалб қилиш, улар билан профессионал даражада ҳамкорликда ишлаш яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Театр ижодий жамоаси асарни саҳналаштириш жараёнида пиесанинг салбий жиҳатларига, қурилмасидаги камчиликларга, образларнинг ҳаётий манбаи асоссиз эканига эътибор бермаган. Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовни нафақат истеъдодли актёр, балки забардаст режиссёр сифатида ҳам биламиз ва ҳурмат қиламиз. Миллий театр ижодий фаолиятида яқин ўтмишда режиссура оқсаб қолган вақтда, айнан Турғун Азизов режиссура соҳасига дадил қўл уриб, ўз истеъдодининг янги қирраларини кашф этди. «Бир қошона сирлари», «Алишер Навоий», «Мейрибон чаён», «Чимилдик» ва бошқа спектакллари билан кадрдон жамоасининг ижодий инқироздан қутулишига ёрдам берган. Бироқ ижодий йўл доим бирдай силлиқ кечавермаслиги ҳақиқат экани «Яраланган оққуш ноласи» спектаклида яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Ҳунда шундай камчилик сифатида «Танҳо юлдуз-2» спектаклини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Спектакл режиссури, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаровнинг ижодий ютуқлари маълум. В.Умаров режиссура туфайли ном қозонган спектакллар бир талай. Лекин, афсуски, ҳар икки ижодкорнинг тилга олинган спектакллари профессионал театр талабларига жавоб бермади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, ушбу асарлар асосида саҳналаштирилган спектаклларда ҳам ёрқин актёрлик ишлари мавжудлиги кўнгилга далда беради. Айтайлик, «Яраланган оққуш ноласи»да актриса Малика Иброҳимова яратган Нигора образи «бир актёр театри» жанрига монанд топиламаларга бой, томошабин онгида ва тасаввур-



да муҳрланиб қолади, заргарона ишланган образдир. М.Иброҳимова — Тумарисдек образни юксак савияда яратган актриса мутлақо салбий образларни ҳам жуда бой характерли қилиб яратиш қобилиятини намойён қилди. Дарвоқе, Тумарис ҳақидаги пиеса муаллифи С.Сирожиқдиров «ёқани драматург томошабин олдидаги маъсулияти ҳақида чўқур ўйлаб, маълум ҳулосалар чиқаради, деб умид қилишга асос беради. Малика — Нигоранинг ўзини тутиши, гапириши, ҳужумкор табиати шу қадар таъсирчанки, бундай аёлни университет профессори эмас, балки маърифатдан, маънавиятдан йироқ ҳирс бандаси дейиш мумкин, холос. Бундай шахсларни табалаларнинг таълим-тарбиясига яқинлаштиришга ўзи хавфли.

Бироқ М.Иброҳимова Нигора образида кашф этган ижро топиламаларини «8 мейрибон аёл»даги ролида ҳам қўллаш қайтарик бўлиб, оригиналлик қимматини йўқотади. Хатто «Танҳо юлдуз-2»дек бошдан-оёқ уйдирмаларга қурилган, кўч ўлида ёзилган пиеса бўйича қўйилган спектаклда ҳам қадар актёрларнинг маҳоратли ижроларини, ёдда қоладиган образларни кузатиш мумкин.

Жумладан, Гавҳар Зокирова (Умида) жуда катта ижодий изланишларга бой, қахрамоннинг психологик кечинмалари билан томошабинни ўзига ром қиладиган, ўйлашга, даъват этадиган образ яратган. Истеъдодли актёр Қахрамон Абдурахимов ўз персонажининг ҳаётийлигига ва ҳаққонийлигига томошабинни ишонтиради. Пиесада ҳаётий асосга эга бўлмаган, «полвон» номли қўш хотинли эркак образи бор. У муаллиф томонидан фақат қулги туғдириш учун «кашф» этилган. Бачкана қилиқлар билангина ўйнаш мумкин бўлган «Полвон» ва унинг икки хотини, ўзаро апоқ-чапоқ қундошлар образларини яратган Фароҳ Абдуллаев, Муҳаммадас Ҳолиқова, Шоҳида Исмоилова, Гулчехра Иброҳимбековалар ўз актёрлик маҳоратларини, бор имкониятларини, ўзбек анъанавий қизиқлик театри услубларини керак ерда қойилмақом намойиш қила олишларини кўрсатдилар. Бу уқлик ижросини спектакл ичида алоҳида мустақил саҳна асари, дейиш ҳам мумкин.

Хуллас, Миллий театримиз актёрлари ижрочилик санъатида катта имкониятлар мавжудлиги шубҳасиз. Фақат бу имкониятлардан одамларни фикрлашга ундайдиган, ҳаётий ибратларга бой, даврининг етакчи гоёлари билан томошабин қалбини забт этадиган, яратувчанлик ишларига жалб қиладиган саҳна асарлари яратишда фаолиятли керак. Бунинг учун эса драматурглар билан ҳамкорликни янги асосларда ташкил этиш, режиссурадан профессионализмни оғушмай талаб қилиш, Миллий театр нуфузига мос Бадиий кенгаш ташкил этиш ва унинг тизимли ишини йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Тоир ИСЛОМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор

Ҳойдади мулоқот

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида «Мустақиллик ва маданият: унинг ҳолати, ривожланиш йўналишлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани институт ректори Б.Сайфуллаев очиб, Президентимиз Фармонига асосан собик икки институт негизида ташкил этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таълимни йўлга қўйишда амалга ошириляётган ишлар тўғрисида сўзлади. Айниқса, бу ерда барпо этиляётган «Санъат шахарчаси»га доир маълумотлар, унинг электрон макети барчада катта таассурот қолдириди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Қирғизбоевнинг «Ёшлар тар-

биясида маданият, санъат ва таълим уйғунлиги» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи бугунги кунда санъат ва маданият соҳасида етишиб чиқаётган кадрлар, соҳада таълим жараёнлари, мавжуд муаммо ва кўриляётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича фикр юритди.

Қўмита аъзоси Ҳ.Хайтовнинг «Маданият ва санъат ривожланишининг маънавий, ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришда амалга ошириляётган қонунчилик ишларига бағишланди. Профессор С.Қодирова янги давр санъатини яратишда санъатшунос кадрлар фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Институт проректори, профессор А.Мавруловнинг маърузаси ҳам катта қизиқиб уйғотди. Маърузалардан кейин иштирокчиларни қизиқтирган саволлар асосидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Билдирилган амалий тақлифлар яратилаётган қонун лойиҳаларига киритиш учун тавсия этилди.

Бахтиёр ЯКУБОВ

Бошланчи биринчи саҳифада.

Маданий юксалиш, дедик. Бу борада «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг анъанавийлик касб этиб, қамрови тобора кенгайиб бораёт-

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ

ганини эътироф этиш ўринли, албатта. Ушбу фестивал баҳонасида ҳар икки йилда дунёнинг буюк санъаткорлари, мусиқашунослари, санъатсеварлари Самарқандда жам бўлмоқда. Улар бизнинг кўп асрлик маданиятимиз ҳамда шунга мос тарзда ривожланаётган бугунги санъатимиздан баҳраманд бўлишяпти.

Айниқса, 2011 йилги фестивалнинг тантанали очилиш маросимида дунёга машҳур италийлик кўшиқчи Аль Бано Корризининг ижроси ва «Самарқанд менинг ҳам Ватаним» деб Самарқанд тупроғини ўлиб, ҳурмат баҳо келтиргани дунёни ҳайратга солгани аниқ.

Сўнги йилларда Самарқанд шаҳри тамомила янгича қиёфа касб этди, кўнлаб янги бинолар, истироҳат боғлари барпо этилди. Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи бугун кўнлаб маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтқа-

зиладиган масканга айланган. Боғнинг қоқ марказига ўрнатилган буюк бобоқалонимиз ҳайкали ҳар кунни дуо қилиб тургандек гўё.

Марказий боғнинг ёнгинасида эса яна бир мутафаккир шоир Рудакий ҳайкали ўрнатилган ва кўркам хиёбонга айлантирилган.

Бу жойдаги қадимий бинонинг таъмирланиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига тўхфа этилгани эса бу ҳудуднинг чинакам маданий-маърифий, ижодий муҳит шаклланидиган масканга айланишига туртки бўлди, дейиш мумкин.

Қалам аҳлига кўрсатилган бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган самарқандлик ижодкорларнинг мустақиллиги мизнинг йигирма йиллиги арафасида она-юртимиз мадҳ этилган асарларидан иборат «Юртни севмоқ саодати» номли баёни нашр этилди. Бу йил эса «Зарафшон мавжлари» деб номланган учинчи тўплам ҳам чоп этилди. Баҳор ойларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ушбу китобларнинг тақдироти бўлиб ўтди. Кечани олиб борган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов Самарқанд таърифида қуйидаги воқеани айтиб берди:

— Биз хориж сафариди эдик.

Ўзбекистондан борган меҳмонлар шарафига ёш болалардан иборат хор жамоа ажнабий тилда куйлаб бошлади. Кўшиқни тинглаб, «Самарқанд» дейиш-ётганини пайқадик. Ашула айтаётган ёш болалардан «Самарқандни биласанми?» деб сўраганимизда, улар «Бундай шаҳар

ни» дир. Бу маскан ҳозир сайларнинг ҳам севили жойига айланган. Фавворалар, манзарали дарахтлар, тунги чироклар, озода майдон барчани бағрига чорламоқда. Майдон атрофида набираларини етаклаган бобо-бувиларни, бахтиёр ёш оилаларни кўришингиз мумкин...

Самарқанд шаҳрининг энг сўнги янгиликларидан бири — Мустақиллик бай-

дим, — дейди Тайлоқ туманидаги Богизогон маҳалласида яшовчи Дилором Бахронова. — Уни телевизор орқали кўрсатишганда ҳаммаимиз қизиқиб қолдик. Маю, фарзандларим, набираларим билан гўзал шаҳримизга ярашиб тушган фавворани томоша қилиб қувончимизга қувонч қўшилди.

Самарқандда барча соҳалар тўқис ривожланмоқда. Таълим, маданият, спорт, иқтисодиёт, тиббиёт ва ҳокazo...

— Бу гўзалликларни интернет орқали томоша қилиш ҳамда Самарқанд ҳақида батафсил маълумотлар базасини яратиш мақсадида «Менинг Самарқандим» сайти ташкил этилмоқда, — дейди сайт раҳбари, «Самарқанд — СТВ» ижодий уюшмаси раиси Аъзам Салоҳидинов. — Унда Самарқанд шаҳрининг электрон каталогини жойлаштириш режалаштирилган. Ҳозирча сайтда ўн мингдан ортиқ маълумотлар базаси жамланди.

Демак, тез орада Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналар, кўчалар, маҳаллалар, тарихий обидалар, боғу хиёбонлар, умуман, диққатга сазовор барча манзиллар бўйлаб сайт орқали виртуал саёҳат қилиш имконига эга бўламиз. Бу сайтнинг ишга тушиши ҳам қадим шаҳар шурратини жаҳонга ёйишда яхши восита бўлади, албатта.

Исоимиддин ПЎЛАТОВ



йўқ, бу афсонавий шаҳар» деб жавоб беришди. Кейин тушундикки, Самарқанд уларга эртақлардаги гўзал ва бетакрор шаҳар тимсолида таърифланган экан...

Шаҳримизда пайдо бўлган гўзал хиёбонлардан бири — бу Регистон майдони ёнида барпо этилган «Йўлбарслар хиёбо-

рами арафасида Регистон ва Куллолар кўчаларини боғловчи чорраҳада бунёд этилган биринчи мусиқали фавворадир. «Йўлбарслар хиёбони»даги манзара бу ерга ҳам кўнган.

Икки набирасини етаклаб олган аёлни сўхбатга тортдик: — Самарқандда мусиқали фаввора очилганини эшитган-

«СЕНИ СОҒИНИБ»

Соғинч юрагимни мангу ўртаган, Илк бор пешонамга тортилган чирик. Кунгил ҳар нафасда василин қўмсатган Ниғоҳларда армон ила қориниқ.

Ушбу мисралар шоира Муножатхон Каримжон қизининг «Сени соғиниб» деб номланган («Адиб» нашриёти, 2012) шеърлар тўплами мазмун-мундарижасини ўзида аниқ ифодаб келган. Зеро, китобдаги аксарият шеърларда жозибали ифодасини топган бу соҳир туйғу уларни ичдан нурлантириб, ўзига ҳос тарзда жилонларни туради.

Тўплам шоиранинг Ватан, Истиклол, танти ва ҳалол, меҳрли ва оқибатли элимизни шарафлашга бағишланган сўрувўли шеърлари билан очилади. Бу абадий мавзуларда қалам тебратганда Муножатхон ўз сўзини топиб айтишга, образли ибора, ташбеҳ

ва ўхшатишлар, қиёслашлардан ўрнида фойдаланишга интилади. Утган аждодларнинг баҳодирлигидан куч олиб, алломалари ўғитларидан фикр-тафаккурини бойитган бугунги замондошимизнинг юртпарварлик, элпарварлик туйғулари тўпламдаги аксарият шеърларга бадийий файз ва тароват бағишлаган. Ушбу мисраларда ана шундай фазилатли мазмуннинг самимий ифодасига тўғуоқ бўлиш мумкин:

Меҳрин булоғидан кўнглим сув ичган, Азизлар, бориңгиз учун ташаккур. Омонат дунёда сиз ила кечган, Ҳар бир лаҳзам учун қиламан шукр.

«Сени соғиниб» китобидаги бир туркум, жумладан, «Таъзим», «Кўзларингиз нега ёшли, онажон», «Тазарру», «Пойингизни ўпсин», «Ибрат» каби шеърларда бевосита она шарафланади. Сабр-бар-

доши тоғларга менгзагулик, меҳр-муҳаббатда куёшдан-да тафтли ўзбек онасининг садоқати, дилбандларига шафқату муруввати ушбу шеърларда баралла тараннум этилган. Шунингдек, тўлашдаги болалиқнинг беғубор, беғаму бешавиш дамлари, кўнгилга гоҳида бир олам қувонч бағишлаб, гоҳида елкага ташвишни юклаб келиб-кетаётган умр кунларининг шоир қалбиди таъсирларидан туғилган мисралар китобхонга завқ бериши ва айни пайтда уни ҳаёт ҳақида, атрофидаги инсонлар, кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юри-тишга ундаши билан қимматлидир.



Муножатхон Каримжон қизининг ушбу тўпламдаги шеърлари мавзу ва мазмунига кўра «Бахтлар эли», «Ташналигим қонган булоқлар», «Мангу армоним», «Эҳтиром» сингари бир неча туркумга ажратилиб тартиб берилган. Китобга Фариди Афрўз муҳаррирлик қилган ва сўзбоши ёзган.

«ЭТНОС ВА ЭПОС»

«Алпомиш» дostonида қуйланган образларнинг ҳаёт йўли синчковлик билан тадқиқ этилса, воқеалар замиридаги ботиний маъно, мисоллар қайта жонланади. Дostonнинг барча замоналар ва авлодлар ўй-кечин-ларига ҳамоҳанг тўб моҳияти ойдинлашади. Ана шу ботиний маънони илғаш, ўрганиш ва юзага чиқариш ҳар қандай тадқиқотчидан чуқур билим ва теран мушоҳадани талаб этади.

Фолклоршунос Шомирза Турдимовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Этнос ва эпос» номли рисолати «Алпомиш» ва «Гўрўғли» дostonлари асосида эпоснинг этнос тарихи билан боғлиқ маъно қатламларини очишга бағишланган. Рисолада жамиятни олға бошловчи Алп ва

хамкорлари ҳамда унга қарама-карши кучлар ҳаёти этнос ва эпос муаммолари кўламида талқин этилади.

«Асида ҳар бир халқ ҳаётининг маъзи унинг эпосида акс этади. Халқ ўз ҳаёт тажрибала-рини бадийий мушоҳада қилиб, эпосларига муҳрлайди. Бунинг жонли гувоҳи «Гўрўғли» ва «Алпомиш» дostonларидир.

«Гўрўғли» ва «Алпомиш» — серқатлам, серқирра, сермаъно эпослар», деб ёзади муаллиф.

Рисоланинг «Шажара сабоғи» бўлимида «Алпомиш» дostonи бўламоси ва ундаги шажарага сингдирилган тимсоллар талқини берилган бўлса, кейинги «Тақдир ёзиғи» ва «Эпос ва тарих» бўлимида ридида мумтоз эпосда этноснинг

Доимий ҳамроҳ

тарихи ва тақдири бадийий тимсолларда қай даражада мукаммал акс этирилгани ўрганилган. Рисола мундарижаси якунида берилган «Гўрўғли» — халқ тақдирнома-си» тадқиқотида қаҳрамон турилиши арафасида у мансуб бўлган этноснинг сиёсий аҳволи, мавқеи, дoston маъзидаги мифологик асос сингари долзарб масалалар ёритилган. Дарҳақиқат, Ш.Турдимовнинг «Этнос ва эпос» рисолатида келтирилган далиллар, ҳулосалар «Гўрўғли» дostonининг халқимиз «тақдирномаси» эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Нашр масъул муҳаррири филология фанлари номзоди Жаббор Эшонқулов, тақризчилар филология фанлари докторлари Маматқул Жўраев ва Асқар Мусақулов.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида Корея филмлари фестивали очилди. Ўзбекистон ва Корея республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу анжуман Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

КОРЕЙС ФИЛМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Кинофестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазир Т.Кўзиёв, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван ва бошқалар ҳар икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда, жумладан, маданий-маърифий соҳада ҳам ўзаро ҳамкорлик изчиллик билан ривожланиб бораётганини, бунда, шубҳасиз, икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Айниқса, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, умуминсоний гоғларни тарғиб этишда санъатлар ичида энг оммавий кино санъатининг ўрни беқиёс. Ўзбекистон ва Жанубий Корея кино усталари халқаро фестивалларда мунтазам қатнашиб келади. «Ўзбек кино усталари суратга олган қатор филмлар нуфузли халқаро кинофестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани эътиборга молик, — деди элчи Чон Дэ Ван. — Ушбу фестивалда намойиш этиладиган корейс филмлари ўзбекистонлик кино мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз».

Юртимиз кино илҳосмандлари Корея ижодкорларининг «Марафончи», «Бугун», «Ҳаётимиздаги энг яхши лаҳза», «Буюк ошпаз» каби корейс халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти ва ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи филмларини томоша қилдилар.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Раимжон ШУКУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига таъзия изҳор этади.

«АнФ»нинг 40-41-сонларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Қабулхона — 233-52-91. Электрон манзилмиз: Котибият — 233-49-93. uzas@b2c.uz

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2181-614X. 72381634000